

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДИГИ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

*Мамадалиева Хуршидахон Насибжоновна,
Ориентал университети Иқтисодиёт
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)
магистратура мутахассислиги талабаси.
mamadaliyevaxurshida525@gamil.com*

Аннотатсия: мазкур мақолада Кишлоқ хужалигида банк хизматларини такомиллаштириш йуллари, банкларда стратегик режалаштириш ва маркетинг тадқиқотларини ривожлантиришни тадқиқ қилиниши натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсияларидан республикамиз тижорат банкларида стратегияни пухта ва аниқ ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришнинг назарий-услубий асосларини яратиш бўйича мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: илмий-инновацион лойиҳалар, рақамли технологиялар, ақлли қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, тараққиёт стратегияси, экспорт, саноат, ўзини-ўзи банд қилиш, бозор инфратузилмаси, ялпи ички маҳсулот.

Кириш

Мустақиллик йиллардан кейинги даврда ҳукуматимизда банкларга жуда катта эътибор қаратилиб келинмоқда ва шу билан бир қаторда банкларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратилиб келинмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш учун ўша мамлакатнинг ҳудудида иш олиб бораётган банкларнинг роли жуда ҳам катта ҳисобланади. Зеро банклар иқтисодиётнинг қон томиридир.

Банкларда инновацион маҳсулотлар яратиш фаолиятини ривожлантиришда маркетингни вазифавий воситалари -жадвал келтирилган бўлиб, унда молиявий бозорларни тадқиқ қилиш, инновацион маҳсулотлар яратишдаги ташаббускорлик, инновацион маҳсулотлар баҳосининг шаклланиши ва инновацион маҳсулотларни реклама қилиш каби воситаларни қамраб олган ҳолда амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан маркетинг воситалари ёрдамида банклар ўз инновацион маҳсулотларини яратиш ва унга бўлган талабни аниқлашлари осон кечиб, инновацион маҳсулотларни сотиш жараёни тезлашади ҳамда банклар ўз мижозларига хизмат кўрсатиши яхшиланишига эришилади.

Бу каби чора-тадбирларни амалга оширишда банкларда маркетинг хизматларини кенг қўламда жорий қилиш, банк мижозлари учун қулай банк хизматларини тақдим этиш, ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда

тажрибали маркетологларни жалб қилиш, самарали ва ишончли бўлган замонавий маркетинг усуллари ишлаб чиқишда банклар маркетинг сиёсатини такомиллаштиришлари лозим. Бу жараён бевосита янги инновацияларини яратилиши ҳамда амалда уни тўғри қўлланилишига боғлиқ.

Халқаро тажрибалардан маълумки, АҚШ, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи мамлакатларидаги банк хизматларида инновацион фаолиятнинг ривожланиш жараёнларини ўрганганимизда шунга гувоҳ бўлдикки, асосан, бу давлатлар глобаллашув ва техник-технологик ривожланиш шароитида банк тизими фаолиятида катта тажрибага эга бўлишига қарамасдан, банк тизимини янада устувор ва стратегик жиҳатдан ривожлантиришда янги инновацияларни жорий қилиш ҳамда банк бизнеси даромадларини оширишга ҳаракат қилмоқда. Бу каби чора-тадбирларни амалга оширишда банк мижозлари билан тузиладиган шартномалар ва хизмат кўрсатиш ишларини масофадан туриб амалга оширишда оммавийлашган интернет-банкнинг тизими муҳим аҳамият касб этмоқда.

Интернет – банкнинг фаолияти асосан, бугунга келиб, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Австралия, Япония ва бошқа давлатларда ҳам ривожланган бўлиб, бироқ, бу ривожланиш турлича шаклда ва услубда яратилган, шунингдек, очиқ-анъанавий тарзда ёки таққослама ҳолатда кўриш қийин. Жаҳон банк бозоридаги шиддатли рақобатнинг мавжудлиги банк хизматларини такомиллаштиришни талаб қилади. Интернет-банкнинг тизимини босқичма-босқич жорий қилишда бевосита мамлакатимиз банк тизимидаги ўзига хос муаммоларни ўрганиш, яъни (белгиланган мижозлар доирасида, шу билан бирга, жисмоний шахслар, банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар доирасида, банк фаолиятидаги техник рискларни бошқариш, банк ходимлари фаолиятини такомиллаштиришда) замонавий инновацияларни жорий қилинишини талаб этади.

Замонавий ва ривожланган банк тизимини шакллантиришда банк фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда қуйидаги хизмат турларини жорий қилиниши, яъни: онлайн-банкнинг (онлайн банкнинг); теле-банкнинг (телебанкнинг); е-банкнинг (е-банкнинг); интернет-банкнинг (Интернет банкнинг); мобил-банкнинг (м-банкнинг); виртуал-банкнинг ҳамда кўп тармоқли банк хизматларини жорий қилишда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш банк ходимларидан юқори даражада маркетинг ва инноваторлик қобилияти бўлишини ҳамда юқори ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларни жалб қилишни тақозо этади.

- жадвал

Инновацион фаолиятида маркетинг хизмати			
Инновацион фаолиятда маркетинг хизмати	Инновацион маҳсулотлари баҳосининг шаклланиши	Инновацион маҳсулотларни реклама қилиш	Молиявий бозорларни тадқиқ қилиш

Мамлакатимиз банк тизимида инновацион фаолликни ошириш ва уни молия хизматлари бозорида қўллашни янада такомиллаштириш муҳим ва долзарб ҳисобланади. Шу боис, банк тизимини ривожлантиришда янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва банк тизими ривожланишига тадбиқ этиш соҳа ривожига ижобий туртки бўла олади.

Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришда инновацион фаолликни ошириш йўналишлари сифатида қуйидаги чора-тадбирларни: банк тизими муассасалари ўз фаолиятини барқарор ривожлантиришда инновацион фаолликни янада оширишлари; банк фаолиятида инновацион фаолликни таъминлашда маркетинг изланишларини такомиллаштириш; банк хизматларини ривожлантиришда янги инновацион ғояларни банк амалиётига татбиқ этиш; банк тизимида мавжуд хизматларни ривожлантиришда хориж тажрибаларини ўрганиш; Ёш оилаларни масофадан туриб керакли ахборотлар билан таъминлаш ва уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитларни тақдим этишни такомиллаштиришдан иборат.

Тижорат банкларига бўлган муносабат ва ишонч айнан, банк тизимида инновацион муҳитни шакллантириш орқали эришишлари бу банк тизими фаолиятини янада барқарор ривожланишига муҳим замин яратади. Банк тизими фаолиятида ҳосил бўлган банк даромадларининг маълум бир қисмини маркетинг ишларига ҳамда соҳада илмий-тадқиқотларга йўналтириш орқали инновацион фаолликни янада ривожлантиришга, қолаверса, банк хизматларини такомиллаштириш орқали банк миқозларининг маълум даражада иқтисодий манфаатларининг юқори бўлишига имконият яратилади.

Банклар аввало миқозларнинг ишончини қозонишлиги керак бунинг учун эса ҳар бир банк ўзининг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларини тузиб чиқишлиги ва албатта, шу режалари бўйича ишлар олиб боришлиги зарур ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда иш олиб борадиган банкларнинг стратегик режалари асосида ишлар юритмоқда ва қуйдагилар орқали инновацион иқтисодиёти шароитида стратегик режалаштиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб чиқишимизга қуйидаги қарор ва фармонлар асос бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли қарори,

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарори,
- Ўзбекистон республикаси марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатни 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2018 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Ушбу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқиш, соҳада "рақамли банкинг", "интернет-банкнинг" ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этиш.

– Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, жумладан, банк назорати бўйича Базел қўмитасининг янги тавсиялари (Базел ИИИ) асосида такомиллаштириш;

– Банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини янада ошириш, депозит базасини кенгайтириш ва диверсификациялаш, активлар, жумладан, кредит портфели сифатини янада яхшилаш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;

– Банкларнинг иқтисодий ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириб бориш;

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;

– Кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш кўламларини янада кенгайтириш;

– Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан етакчи халқаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳоларининг олиниши ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишига эришиш;

– Молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андоза ва тамойиллар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттириш.

2017 йилда банк тизимида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида юқорида санаб ўтилган барча йўналишларда ижобий натижаларга эришилди.

Ўзбекистон республикаси марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботида келтирилишича:

- Ҳисобот йили давомида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, иқтисодий либераллаштириш ва унинг барқарор юқори суръатларда ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор ўсишда давом этишини таъминлади.

- Хусусан, 2020 йилда жаҳон миқёсида иқтисодий фаолликнинг кучайиши натижасида ҳалқаро савдо ҳажмларининг ортиши ҳамда жаҳон бозорларида республикамиз асосий экспорт товарлари нархларининг ошиши мамлакатимиз иқтисодийнинг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳисобот йили давомида тижорат банклари умумий капитали 2,3 баробарга, жами активлари 2,0 баробарга, шу жумладан, кредит қўйилмалари ҳажми 2,1 баробарга ҳамда жами мажбуриятлари 1,9 баробарга, шу жумладан, жалб қилинган депозитлар ҳажми 1,6 баробарга ошди. Мазкур юқори ўсиш кўрсаткичларининг шаклланишига миллий валюта алмашув курсининг кескин пасайиши жиддий таъсир қилган бўлса-да, банк тизими ўсиш кўрсаткичларининг реал ҳисобда ҳам юқори бўлиши банклар молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Банк тизими инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган чора тадбирлар самарали ташкил этилиши натижасида қўйидаги натижаларга эришилди. Банклар капитали. Банк тизими барқарорлигининг асосий мезонларидан бири, бу банкларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси, яъни уларнинг капиталлашув даражасининг юқорилиги ҳисобланади. Тижорат банклари капиталининг юқорилиги миллий иқтисодийнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини янада кенгроқ қондириш ҳамда аҳоли ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини кенгроқ ҳимоялаш имконини беради. Банклар капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2019 йил давомида 2,3 баробарга кўпайиб, 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига 20,7 трлн.сўмни, устав капитали умумий миқдори эса 2,8 баробарга ошиб, 16,3 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда давлат улушига эга банклар капитали 11,7 трлн. сўмга ошди.

- жадвал

Тижорат банкларнинг жами капитали таркиби ва динамикаси
(млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	01.09.2021 й.		01.09.2022 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Устав капитали	47 327	73,4 %	57 633	75,4 %	21,8 %
Кўшимча капитали	497	0,8 %	998	1,3 %	100,8%
Захира капитали	6 232	9,7 %	7 226	9,5 %	16,0 %
Тақсимланган капитали	10 457	16,2 %	10 556	13,8 %	1,0 %
Жами капитал	64 512	100 %	76 444	100 %	18,5 %

Ўтган 2021 йил иқтисодий кўрсаткичларнинг 2020 йилдаги кескин пасайишидан сўнг “тикланиш йили” бўлди.

Бунда, ҳам аҳолининг, ҳам тадбиркорлик субъектларининг пандемия шароитига мослашган ҳолда фаолият кўрсатишга ўтганликлари ҳамда иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан амалга оширилган чоралар ўзининг ижобий натижаларини берди.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми реал ҳисобда 7,4 фоизга ўсди.

Иқтисодиётга йўналтирилган йирик ҳажмдаги марказлашган манбалар ҳамда тижорат банклари кредитлари иқтисодий ва инвестицион фаолликни қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлди.

Хусусан, тижорат банклари томонидан ўтган йилда иқтисодиётга 2020 йилга нисбатан 31 фоизга кўп кредитлар (167 трлн. сўм) ажратилди. Кредитларнинг қайтувчанлик даражаси ҳам сезиларли даражада яхшиланиб, 71 фоизга етди.

Натижада иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи йиллик 18,4 фоизга ошиб, базавий сценарий бўйича прогнозлар доирасида, яъни ЯИМ номинал ҳажми ўсишидан ошиб кетмади.

Шунингдек, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми 42 фоизга ўсиб, аҳолининг истеъмол ва ипотекага бўлган талабини қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.

Аҳолига ажратилган кредитлар таркибида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва давлат ипотека дастурлари доирасида берилган кредитлар ҳажми муҳим ўрин тутди.

Баҳолашларга кўра, 2021 йилдаги юқори фискал рағбатлантиришларнинг иқтисодий қўллаб-қувватловчи таъсирлари 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳам рағбатлантирувчи омил сифатида сақланиб қолади.

2021 йилда ташқи макроиқтисодий вазият асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи-энергетика ресурслари нархининг сезиларли ўсиши натижасида глобал инфляцион жараёнларнинг тезлашиши ҳамда бунга жавобан кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда пул-кредит шароит-ларининг қатъийлаштирилиши шароитида шаклланди.

Ўз навбатида, ўтган йилнинг якунига келиб коронавирус янги штаммининг аниқланиши ҳамда тез суръатларда тарқалиши фонида пандемик вазият билан боғлиқ хатарлар яна кун тартибига чиқди.

Пандемия билан боғлиқ ушбу вазият макроиқтисодий прогнозлар ва қабул қилаётган қарорларга таъсир этаётган асосий хатарлардан бўлмоқда.

Ўтган йил давомида асосий савдо ҳамкорлар миллий валюталарида (Туркиядан ташқари) юқори даражадаги тебранишлар кузатилмади. Айни пайтда, жорий йилда кутилаётган барқарорлашув тенденциялари ҳисобига ташқи омиллар томонидан сўмнинг алмашув курсига ортиқча босимнинг юзага келмаслиги кутилмоқда.

Савдо ҳамкорларда 2022 йилда ҳам ижобий реал иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг кутилаётганлиги экспорт ҳажмини қўллаб-қувватловчи омиллардан бўлади.

Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда мамлакатимизга экспортдан тушумлар ва трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг мос равишда 34 фоиздан ошиши, ички валюта бозорида валюта таклифини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлди.

Натижада, ўтган йилда сўм алмашув курсининг қадрсизланиши 3,4 фоиз бўлиб, сўнгги уч йилликдаги энг паст кўрсаткични ташкил қилди.

- жадвал

Тижорат банклари жами мажбуриятлари таркиби

Кўрсаткичлар	01.09.2021 й.		01.09.2022 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Депозитлар	131 324	38,7%	205 724	45,1%	56,7%
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	434	0,1%	1 944	0,4%	348,2%
Бошқа банкларнинг маблағлари- резидент	11 355	3,3%	16 723	3,7%	47,3%
Бошқа банкларнинг маблағлари- норезидент	3 330	1,0%	30 979	6,8%	830,4%
Олинган кредитлар ва лизинг опера- циялари	169 561	50,0%	172 096	37,8%	1,5%
Чиқарилган қимматли қоғозлар	10 445	3,08%	10 692	2,3%	2,4%
Субординар қарзлар	4 206	1,2%	5 318	1,2%	26,4%
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	3 820	1,1%	4 838	1,1%	26,7%
Бошқа мажбуриятлар	4 834	1,4%	7 372	1,6%	52,5%
Жами мажбуриятлар	339 307	100%	455 685	100%	34,3%

2021 йил 9 ойи якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 6,9 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан: саноатда ишлаб чиқариш ҳажмлари – 9 фоизга;

қишлоқ хўжалигида – 4,2 фоизга;

қурилиш соҳаси – 4,5 фоизга;

асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар – 5 фоизга ўсди.

2021 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича аҳоли даромадлари реал ҳисобда 10,4 фоизга ошди.

Пандемиянинг давом этаётганлиги, глобал иқлим шароитларининг ноқулайлиги, ишлаб чиқариш ва етказиб беришдаги узилишлар жаҳонда аксарият озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини сезиларли даражада ўсишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, ички нархларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади.

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тушунтириш бўйича жойларда мунтазам равишда семинар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Банкларнинг веб-сайт ва порталлари орқали кўрсатилаётган банк хизматлари, жумладан, кичик бизнес соҳасига ажратилаётган кредитлар, уларнинг афзалликлари, фоиз ставкалари ва бошқа тегишли маълумотлар банкларнинг интернет саҳифаларида доимий равишда ёритиб борилмоқда.

Республика иқтисодиётининг барқарор ўсиб бориши билан мос равишда мамлакат банк тизими инфратузилмаси ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда. 2020 йил давомида «Ўзагроэксспортбанк» акциядорлик-тижорат банки ўз фаолиятини бошлаганлиги ҳисобига тижорат банклари сони 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 28 тага етди. Шундан 11 таси давлат улушига эга банклар, 17 таси чет эл капитали ва хусусий капиталга эга тижорат банклари ҳисобланади. Шу билан бирга, республикамиздаги тижорат банклари билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда хорижий йирик банкларнинг 6 та ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Ҳисобот йили давомида тижорат банклари филиаллари сони 7 тага ортиб, уларнинг умумий сони 862 тани ташкил этди. 2021 йил 1 январ ҳолатига тижорат банклари таркибидаги мини-банклар сони 980 тани, банкдан ташқари операцион кассалар сони 2861 тани, валюта айирбошлаш шохобчалари сони 915 тани, халқаро пул ўтказмалари шохобчалари 1012 тани ҳамда сайёр кассалар сони 2157 тани ташкил этди. Республикамизда ҳозирги кунда 76 та нобанк кредит ташкилотлари, шужумладан, 30 та микрокредит ташкилотлари ҳамда 46 та ломбардлар фаолият кўрсатмоқда. Умуман олганда, 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кредит ташкилотлари бўлинмалари умумий сони 8 891 тани ташкил этиб, 2017 йил бошига нисбатан қарийб 2,5 мингтага кўпайган. Бу эса ўз навбатида,

республикамизда нафақат банк инфратузилмасининг кенгайиб боришига, балки улар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Кредит ахбороти давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари асосида республикада кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада ривожлантириш, ушбу тизимдан фойдаланишда, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасига мувофиқ такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республикамизда кредит ахбороти алмашинуви бўйича самарали ва халқаро талабларга жавоб берадиган тизим яратилган бўлиб, мазкур тизим «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» масъулияти чекланган жамияти ва Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестрини ўз ичига олади. Хусусан, Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестрида республикамиз банк тизимида тузилаётган барча кредит битимлари ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотлар юритилмоқда. 2017 йил давомида республикамиз иқтисодиётида амалга оширилган ислохотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб - қувватлаш ҳажмларининг янада оширилиши натижасида Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан қарийб 30 фоизга ошиб, 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига 3 млн. 541 мингтани ташкил қилган. Ўз навбатида, маълумотлар базасига киритилган кредитдан фойдаланувчилар сони 2020 йил давомида 31 фоизга ўсиб, 2 млн. 43 мингтага етган, шундан 291 мингтаси юридик шахслар, 172 мингтаси яқка тартибдаги тадбиркорлар ва 1 млн. 580 мингтаси жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади. Бунда кредитдан фойдаланувчилар сонининг ўсиши асосан жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келиб, кредит олган аҳоли сони қарийб 398,2 мингтага ёки 34 фоизга ўсган. Мазкур ҳолат, асосан 2020 йил давомида аҳолини фаол тадбиркорликка жалб қилиш борасида амалга оширилган чора – тадбирлар билан изоҳланади.

**Кредит бюро базасдаги
Юридик ва жисмоний шахслар сони, мингда**

Сана	Юридик шахслар	Жисмоний шахслар	Жами
1 янв 2017	839,0	2 778,8	3 617,8
1 янв 2018	876,8	2 918	3 794,5
1 янв 2019	1 415	4 164	5 578,9
1 янв 2020	589,8	7 642	8 231,8
1 янв 2021	620,9	8 189,7	8 810,6

Ҳисобот йилида Кредит бюрога кредит ташкилотларидан келиб тушган сўровлар сони 2019 йилга нисбатан 288,5 мингтага ошиб, 1,1 млн.тани ташкил этди. Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри ҳамда «Кредит - ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» МЧЖ маълумотлар базасидаги кредит битимлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, кредит ахбороти субъектларининг молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини ва интизомини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборотлар банк соҳасидаги хавф-хатарларни бошқариш, кредит бериш тартибларини такомиллаштириш ва кредит бозорида рақобатни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, Кредит ахборотининг давлат реестри базасидаги маълумотлардан Марказий банкнинг банк назорати функцияларини бажаришда, шу жумладан, дистанцион (масофадан) банк назоратини амалга оширишда самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, мазкур маълумотлар базасидан тижорат банкларининг кредит портфелидаги муаммоли кредитларни аниқлаш ва уларни кенг таҳлил қилиш, кредит операцияларига доир камчиликларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича ишларни амалга оширишда фойдаланилмоқда. Таъкидлаш жоизки, республикамизда самарали кредит ахбороти алмашинуви тизимини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Тижорат банкларининг корпоратив бошқарувига талаблар кучайтирилиб, банк Кенгашлари ва Бошқарувларининг ваколат ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқилди, касбга оид этика ҳамда ошкоралик ва ахборотни ошкор қилиш борасида меъёрий талаблар ўрнатилди.

Банклар фаолиятида стратегик режалаштиришни амалга ошириш учун банклар ўз олдиларига молия бозоридаги фаолиятлари қанчалик даражада эканлигини билиб олишлари лозим бўлади. Биз ҳам ўз дессиртациямизни ёзиш давомида республикамизда фаолият юритаётган айрим тижорат банкларининг

стратегик режалаштириш фаолиятлари билан яқиндан танишиб чиқдик. Улар қуйидагилардан иборат.

Банк фаолиятидаги стратегик режалаштириш ўз олдига банк фаолиятини ривожлантириш усуллари ва воситалари, мураккаб вазифалар шунингдек аниқ мақсадга эришиш учун керакли бўлган методларини қўяди.

References

1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. – Тошкент: Тошкент Молия институти, 2003. - 318 б.
2. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. - М.: Гелиос АРВ, 1999. – 352 с.
3. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник.2-е изд.Перераб. и доп./ – М.: Финанси и статистика, 2008. - 594с.
4. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. -4-е изд., стереотип. -М.: КНОРУС, 2008. -264 с.
5. Абдуллаева Ш.З., Каримов Ф.Ш., К.Н. Наврўзова, У.Д. Ортиқов “Банк ресурслари ва уларни шакллантириш асослари”. Т.: “ТМИ” 2004 й. -263 б.
6. Абдуллаева Ш.З, Абдуллаев Ё. Банк менежменти ва маркетинги Дарслик Т.: “ТМИ”, 2006 й -255 б.